УзССР Давлат китоб палатаси
60596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 15 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 34 (6731)

Даъват

Илм ўқиб унга амал қилмаган шудгор қилиб уруғ экмаганга ўхшар ёки уруғ сочиб баҳра олмаганга ўхшар.

Алишер НАВОИЙ

Ибрат

Пойтахтимиздаги 64-ўрта мактабнинг 15 нафар ўқувчиси яқинда Англияда бўлиб қайтишди. Улар қарийб бир ой давомида инглиз оилаларида яшаб, у ердаги ўрта умумтаълим мактабларининг ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Инглиз халқининг тарихини, маданиятини, санъатини, урф-одатларини ўрганишди.

ТАРИХДА УЧРАМАГАН ВОҚЕА

Ўзбекистон тарихида яна бир унутилмас из қолди. Бу Туркия президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонга ташрифи, Ўзбекистон Президенти билан учрашуви, аҳдлашуви натижасидаги амалий ишлардир. Президентларнинг икки мамлакат ўртасида абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаганлиги эса тарихда учрамаган воқеадир. Қолаверса, бу қариндошларгагина хос аҳдномадир.

Икки давлат ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтариш учун мутасадди раҳбарлар икки ёқлама солиқ олмаслик, атроф-муҳитни муҳофаза этиш тўғрисида ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозир 60 дан ортиқ мамлакатдан 900 дан зиёд фирма ва компаниялар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда. Шундан 200 га яқини Туркия компанияларидир. Юқорида таъкидлаганимиз, икки ёқлама солиқ олинмаслиги тўғрисидаги битим ҳамкорликни янада ривожлантириши шубҳасиздир.

Бу ташрифнинг яна бир унутилмас жиҳати шундаки, Туркия президенти ҳар сафаргидек тадбиркорлари билан эмас, бир гуруҳ олимлар, маданият арбоблари билан келганлигидир. Буни юртбошимиз алоҳида таъкидлаб, шундай деди: «Биз мустақиллик биносини барпо этаётган бугунги кунда қардошларимизнинг маънавий мадади, қўллаб-қувватлаши кучимизга куч қўшади. Бундай кумакнинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди».

Дарҳақиқат, бугунги кунда Туркияда ўзбекистонлик, Ўзбекистонда туркиялик талабалар таҳсил олишяпти. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги Сулаймон Демирэл раҳбарлик қилган делегация сафида келган Туркия давлати университетлари ректорлари билан учрашув ҳам таълим соҳасидаги ҳамкорликка бағишланди. Бу ҳамкорлик икки томон учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Меҳмонларнинг Тошкент давлат университети ва Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиши таълим тизими билан бирга илм-фан соҳасида ҳам узаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини чуқурроқ муҳокама қилишга хизмат қилди.

Бундан ташқари Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ўзбек-турк лицейларида таълим олаётган юртимиз фарзандларининг, айниқса, инглиз тилини ўрганиш бўйича қўрсатаётган натижалари ҳам икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг меваси эмасми?

Меҳмонлар Тошкентнинг ўзбек-турк қўшма корхоналарида, Самарқанднинг зиёратгоҳ жойларида бўлдилар.

Туркия президентининг бу ташрифи иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 51 йиллигига тўғри келди. Бу ғалабада ўзбек халқининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Унинг қанчаканча марду майдон ўғлонлари жанггоҳлардан қайтмади...

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ғалаба куни байрами муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижроси натижасидаги хурсандчиликлар уруш ногиронлари ва қатнашчилари билан бирга байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар давлат эътиборида эканлигига далил бўлди.

ЙЎЛЛАР — ЮРТЛАР РАВНАҚИ ОМИЛИ

Қадим-қадимдан катта карвон йўллари мамлакатларни мамлакатларга, улкаларни улкаларга, қитъаларни қитъаларга боғлаган, савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга, халқларни халқларга яқинлаштиришга хизмат қилган. Бунга Буюк ипак йўли ёрқин мисолдир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодига мувофиқлашуви, ташқи иқтисодий алоқалари, савдо-сотигининг ривожи замонавий транспорт йўлларининг — янги магистрал йўлларнинг ҳам бўлишини тақозо этаётир. Машҳад—Сарахс—Тажан темир йўли қуриб битказилиши халқаро миқиёсда ана шу борадаги саъй-ҳаракатнинг дебочаси бўлди.

Янги темир йўлнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 май куни Эроннинг Машҳад шаҳрига келди. Шаҳар аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Туркманистон, қолаверса, Марказий Осиё республикалари билан Эрон темир йўлларини туташтирадиган 295 километрлик Машҳад—Сарахс—Тажан йўлининг очилиш тантаналарида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлган Эрон, Покистон, Туркия, Озарбайжон, Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ҳамда унлаб давлатлардан таклиф этилган расмий ҳайъатлар ҳам иштирок этмоқдалар.

13 май куни Ўзбекистон Президенти И. Каримов «Ҳумо» меҳмонхонасидаги уз қароргоҳида Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашди, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, имзоланиши мўлжалланаётган шартномалар, шунингдек, Қора денгиз портларига борадиган янги транспорт йўлини очиш хусусида фикрлашиб олинди.

Янги пўлат магистралнинг очилишига бағишланган тантаналар Машҳад шаҳри темир йўл вокзалидан бошланди. Ёдгорлик тахтаси очилиш маросимидан сўнг биринчи поезд янги излар бўйлаб сафарга чиқарилди. Сўнг Ислом Каримов ва тантаналарда иштирок этаётган бошқа давлатларнинг бошлиқлари махсус самолётда Сарахс шаҳрига келдилар. Бу ерда тантанали маросимлар давом этди.

Машҳад — Сарахс— Тажан темир йўли очилиш тантаналаридан сўнг Ўзбекистон Президенти Туркманистон пойтахти Ашгабадда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида қатнашади.

Одатда шифокор деганда елкасидаги оппоқ халатдек кўнгилли инсон нигоҳимизда жонланади.

Бундан роппа-роса ярим аср илгари Қарши шаҳрида тиббиёт билим юрти ташкил этилиб, 31 нафар талаба ўқишга қабул қилинган эди. Мана шундан бери бу даргоҳ юқорида таъкидлаганимиздек, 20 мингдан ортиқ оқ кўнгил соҳибларини учирма қилди.

Суратда: 1. Билим юрти ёшлар қўмитаси деворий газетасининг навбатдаги сони тайёрланмоқда.

2. Акушерлик иши бўлимининг 4-курс талабаси Мақсуда Хўжаева сунъий юрак аппаратини бошқаряпти.

Ш. ШАРИПОВ олган суратлар.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, қонунчиликка риоя этишнинг, инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг ғоят муҳим муассасаси сифатида телерадио-эшиттиришни янада ривожлантириш, унинг республикадаги туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони чиқди.

❀ Яқинда ташкил этилган Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи йиғини бўлиб ўтди. Унда палатанинг вилоят, шаҳар, туман бўлимларида қилинаётган ишлар ҳисоботи тингланиб, қилинажак ишлар режаси тузилди.

❀ Фарғона тиббиёт институтининг энг яхши талабалари Корея Республикасининг олий ўқув юртларида бепул тажриба ўрганиб қайтишади. Бу Жанубий Корея Госпиталлари уюшмаси жамғармасининг республикамиз жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг илк нишонаси бўлди.

❀ Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) партиясининг умумий сайловларидаги мағлубиятидан сўнг истеъфога чиқишга мажбур бўлмоқда. Сайловларнинг бундай натижаларига сиёсий бекарорлик сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

❀ БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий БМТнинг Исроил томонидан атайлаб уюштирилган ва оқибатда 100 киши ҳалок бўлган ҳаво ҳужуми ҳақидаги баёнотни танқид қилганларга рад жавобини берди.

❀ Ғарб иқтисодчилари азалдан Африка иқтисодиётининг тикланишини «умидсиз воқеа» дея баҳолаб келар эди. 15 йил мобайнида биринчи марта Африка иқтисодиётида аҳвол яхшиланаётганлигининг илк нишоналари кўрина бошлади. БМТ иқтисодий комиссияси маълумотига қараганда, бу континентда умумий миллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,9 фоизга, нисбатан ривожланган жанубий ҳудудларда эса 4 фоизга ошган.

БИРИ ОРТДА ҚОЛДИ

Имтиҳонга тайёрмисиз?

Ҳа, битириш имтиҳонининг биринчиси ортда қолди. Яъни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига биноан, битирувчиларимиз жисмоний тарбиядан имтиҳон топширдилар. Бу тадбирни тартиб ва адолат мезони асосида ўтказдик. Аввало имтиҳонларнинг бошқа турлари, қунлари, соатлари тартибини 27 майдан 15 июнгача бўлган муддатга жойлаштирдик. Яъни имтиҳонлар жадвали, қўшимча машғулотларнинг графигини туздик. Ўқув йилининг, қолаверса, 11 йиллик ўқишнинг ҳал қилувчи жараёнини рисоладагидек ўтказишга ҳаракат қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу йилдан бошлаб битирувчи синф имтиҳонларидан бошқа имтиҳонларнинг бекор қилиниши айни муддао бўлганлигини таъкидламоқчиман. Ҳақиқатан ҳам бир ўқув йилида ўқувчи тўрт марта ўзига хос имтиҳондан ўтади-да. Бундан бизнинг педагогларимиз тўғри хулоса чиқаришди.

Битириш имтиҳонларида ўқувчиларни баҳолашда холислик ва аниқлик асосий мезонимиз бўлади.

Сайёра ҚЎЗИБОЕВА,
Тайлоқ туманидаги 25-ўрта мактаб директори.

Теннис

«Маърифат»нинг «Энг шиддаткор ва маърифатпарвар ўйинчига» совғаси соҳиби Озод Пармонов.

БАЙРАМНИНГ АДОҒИ БЎЛМАЙДИ

Аввал хабар қилганимиздек, 6-8 май кунлари Тошкентда «Ҳавас» теннис мусобақалари бўлиб ўтди. «Динамо» теннис мажмуида тантанали равишда бошланган ушбу турнирнинг байрамона руҳи учинчи куни пойтахтимизнинг муҳташам спорт саройларидан бири «Юнусобод» теннис кортларига кўчди.

Шаҳримизнинг энг юқори нуқтасига жойлашган спорт саройи томон ишқибозлар ҳамда қатнашчилар эрта тонгдан кела бошладилар. Финал босқич қатнашчилари кортларда тайёргарлик машғулотларини аллақачон бошлаб юборишганди.

Биринчи бўлиб кортга соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ва финалга йўлланма олганлар орасида вилоятларнинг ягона вакили — Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Комил Қобилов чиқишди. Учрашувда Ш. Каримов ғалаба қозонди. Лекин ёшликдан теннис билан шуғулланиб, катта тажрибага эга бўлган соғлиқни сақлаш вазирини олдинда жиддий рақиб кутаётган эди. У бўлғуси чемпион «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бошқарувининг раиси Рўзи Ҳикматуллаевдир. Р. Ҳикматуллаев ярим финалгача турнирда ажойиб ўйинларни намойиш этиб, чемпионликка даъвогарлардан бири саналаётган республика МХХ раиси Рустам Иноятовни мағлубиятга учратди. Мазкур беллашув 6:4 ҳисобида қайд этилди.

(Давоми 4-бетда)

Ўзгаришлар қандай бўлди?

ОРИЯТ ҲАМИША ҒОЛИБ

Хоразм Хизр кўрган юрт, деб таърифлашади кишилар. Бу иборанинг нечоғлиқ ҳақ эканлиги бизга қоронғу, бироқ шу йилнинг илк кўклам кунларида Хоразмга ҳурматли Президентимиз ташриф буюрганлари барчага маълум. Айниқса, юртбошимизнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида қуйиниб сўзлаган нутқи ҳамма учун ўзига хос бир дарс бўлди. Президентимиз ўз нутқида Хоразм вилоятида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда талай хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини таъкидлаб ўтганди. Хусусан, халқ таълими тизимида учраётган айрим нохуш ҳоллар ҳам қуюнчаклик билан тилга олиб ўтилди: «1994 — 95 ўқув йилида вилоятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг ҳар беш нафаридан бир нафари ҳанузгача иш жойларига етиб келгани йўқ. Ваҳоланки, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 780 нафар ўқитувчи етишмайди. Математика, информатика, ўзбек тили, физика, химия, тарих фанлари ўқитувчиларига эҳтиёж ниҳоятда катта. Вилоят бўйича болаларни боғчаларга жалб этиш 20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 12 фоиз камайган. Ҳозирги кунда 4490 ўринга эга бўлган 53 та болалар боғчаси ёпиб қўйилган. Мавжуд ишлаётган боғчаларнинг ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди...».

Юртбошимизнинг бу аччиқ, бироқ ҳаққоний сўзлари ҳар биримизни сергакликка, масъулиятни ҳис қилишга ундайди. Хўш, Хоразм вилояти халқ таълими тизимининг раҳбарлари, мутасаддилари сергак тортишдими? Танқиддан тўғри хулоса чиқариб ола билишдими?

Мана, ўша сессия бўлиб ўтгандан бери роппа-роса икки ой вақт ўтди. Тўғри, ҳар тарафлама олиб қарасак, бу қисқа фурсат, бироқ... кишиларда ор-номус қўзғолса, юрагида яратувчилик ҳисси бегона бўлмаса, шундай оз вақт ичида ҳам талайгина катта вазифаларни адо этиб қўяжак. Биз бу ҳақиқатни хоразмликлар фаолиятида ҳам учратишимиз мумкин.

Хоразмликлар ориятни байроқ қилиб кўтарган эл. Улар юртбошимизнинг танқидидан сўнг ўз камчиликларини янада чуқурроқ англаб, уларни тузатиш учун енг шимариб ишга киришишди. Хусусан, халқ таълими тизимида ҳам талайгина қўнгилларни қувонтирадиган ижобий ўзгаришлар, олға силжишлар юз берди. Тўғри, бу хил ютуқларда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ҳам муносиб улуши бор. Юртбошимизнинг танқидий фикрларидан сўнг вазирлик мазкур масалаларга катта эътибор қаратди. Шошилинч махсус гуруҳ тузилиб, Хоразм вилоятига юборилди. Гуруҳ аъзолари шаҳар ва туманлардаги мактаб, болалар боғчаларидаги мавжуд аҳвол билан яқиндан танишдилар. Ҳар бир туманда боғча мудиралари ва тарбиячилар учун амалий кўргазмали семинарлар ўтказишди. Бюджетга қарашли ва ташкилот, жамоа хўжаликларига етарли миқдорда дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар тарқатдилар.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Хоразм вилоятига кўрсатган моддий кумагини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Вазирлик томонидан бу вилоятга 14 та компьютер-электрон ҳисоблаш машиналари, 1 миллион сўмлик қаттиқ, 150 минг сўмлик юмшоқ инвентарлар, 400 минг сўмлик хўжалик моллари, 350 минг сўмлик ойинчоқлар, 1 миллион 800 минг сўмлик ойина-шишалари, 1 миллион сўмлик мактаб мебеллари юборилди.

Тўғри, мавжуд камчиликларни бартараф этишда Хоразм вилояти ҳокимлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам қўл қовуштириб туришгани йўқ. Хусусан, Хонқа туманидаги «Пахтаой» болалар боғчаси 2 миллион сўм маблағ ҳисобидан қайта таъмирланди. Боғчага 120 минг сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, 50 минг сўмлик ўйинчоқ, 3 минг сўмлик ўқув-методик адабиётлар олинди. Вилоят бўйича жамоа хўжаликлари, ташкилот ва корхоналарга қарашли 23 та ёпилган боғчалар очилди ва уларга 1180 нафар бола тортилди. Шунингдек, вилоятдаги 120 та мактаб қошида кичик корхоналар ташкил этилди. Бу ижобий силжишларнинг барчасида, шубҳасиз, ҳокимликларнинг катта ва самарали ёрдами бор.

Куни кеча Хоразм вилояти халқ таълими тизими фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қатнашди. Қизғин тусда ўтган фаоллар мажлисида сўзга чиққанлар халқ таълими тизимида йўл қўйилган, юртбошимиз И. Каримов томонидан таъкидлаб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида фикр юритдилар, таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармасининг 2000 йилгача бўлган истиқбол дастури муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди.

Фаоллар йиғилишидан сўнг махсус гуруҳ туман ва шаҳардаги мактаб болалар боғчаларига бориб, мавжуд аҳвол билан танишдилар. Танишув ва кузатув натижалари шу нарсани кўрсатади-

(Давоми 2-бетда)

ҲАР БАҲОРНИНГ БОРДИР ЎЗ ГАШТИ

Бадиий ижод— яхши ният ҳосиласи, эзгулик меваси. Ижодиётга иштиёқманд кўнгил эзгуликка эш ва қодир. Қувончлиси, эзгуликка йўғрилган кўнгил эгалари бўлмиш ижодкорлар ўқитувчилар орасида ҳам кўплаб учрайди. Эътиборли томони, мана тўрт йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ижодкор ўқитувчилар анжуманини ўтказиб келмоқда.

Бу йилги республика ижодкор ўқитувчиларининг анъанавий V кенгаши 16-18 май кунлари Фарғона вилоятида бўлиб ўтади.

3- БЕТГА ҚАРАНГ.

ХАТОЛАР САБОҚ БЎЛСИН!

Азиз абитуриент дўстлар! Ўтган йили бошқа фанлар қаторида математикадан имтиҳон топшириш пайтида йўл-йўлакай айрим хатоларга беихтиёр йўл қўйилди. Ана шу хато туфайли айрим дўстларимиз талабалик бахтига муяссар бўла олмадилар. Бугун ана шу хатоларни яна бир карра яхшилаб кўздан кечириб чиқмайсизми? Бу ўтган йилги ўқишга кира олмаган ва бўлажак абитуриентларга сабоқ бўлсин!

2-бетга қаранг.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

КУЙ ҚЎШИҚҚА АЙЛАНГАН КЕЧА

«Баҳор» концерт залида ўзбек чолғулари ва баян чолғулари бўйича ёш созанда ижрочиларининг республика кўрик-танловининг якунловчи концерти бўлди.

Унда Тошкент давлат консерваторияси аспиранти Султон Қосимов, Маъмуржон Зилолов, Урганч мусиқа билим юрти толиби Азамат Абдуқодиров, Ҳамза номидаги мусиқа санъат билим юрти толиби Сардор Неъматов, Гулистон давлат санъат билим юрти толиби Аброр Мансуровлар шарафли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Танлов сўнггида ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари тақдим қилинди ва ғолибларнинг концерт номерлари намойиш этилди.

ПРОФЕССОР ФУТБОЛЧИЛАР

Республика ҳунар таълими ўқув юртлари ходимлари малакасини ошириш институти профессор ўқитувчилари билан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси ўртасида Ғалаба куни байрами шарафига бағишланган қизиқарли футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Мазкур ўйиннинг қизиқарли ўтишига сабаб шуки, иккала институтнинг ректорлари, профессорлар Ғайрат Шоумаров ва Рифқат Ғайнутдиновлар ўйинга тушиб, командага капитанлик қилдилар.

Ҳаяжонли ушбу мусобақа натижасида Республика ҳунар таълими ўқув юртлари ходимлари малакасини ошириш институти командаси ғалаба қозонди.

БИТТА КАРПОВ, БИТТА КАРПОВА

Марҳамат тумани халқ таълими бўлими биносида туман ва шаҳар халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси билан қўмита соврини учун эркаклар ва аёллар ўртасида Республика мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган шахмат-шашка бўйича шахсий биринчилик ўтказилди.

Уч кун давом этган мусобақада эркаклар ўртасида тумандаги 9-мактаб ўқитувчиси Раҳимжон Адҳамов, аёллар ўртасида эса тумандаги 29-мактаб ўқитувчиси Н. Қамчиевалар 1-ўринни қўлга киритишди.

КЎК СОМСАНИ БИЛАСИЗМИ? ҒИЛМИНДИНИЧИ?

Чортоқ тумани болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида ўтказилган кеча фасллар келинчаги баҳор фаслига бағишланди. Маскандаги тўгарак аъзолари кўкатлардан турли масаллиқ тайёрлаш, табрик ва эркин мавзу бўйича беллашдилар. Қизиқарли ўтган ушбу кечадаги беллашувда омад миллий мусиқа тўгараги аъзоларига кулиб боқди.

Кеча охирида ғолибларга ушбу тадбир ташаббускорлари томонидан фахрий ёрлиқ ва китоблар топширилди.

МУАЛЛИФЛАР:
Г. ҚУРБОНОВА, Б. ТУРДИЕВ, А. ЭРАЛИЕВ, А. НЎЪМОНОВ.

Сиртқи дарс

27. КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларга Ҳазрати Соҳибқирон фаолиятининг Беҳзод ижодида қай даражада ўз ифодасини топганлиги ҳақида тушунча бериш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда нафосатга, она Ватанга меҳр ҳиссини уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Беҳзод тасвир этган «Зафарнома».
2. Беҳзод ижодида Самарқанд, Амир Темур фаолияти билан боғлиқ мавзуларнинг алоҳида ўрин тутиши.

Биз ўтган дарсларда айтганимиздек, АҚШнинг Балтимор шаҳрида (Жон Ҳопкин университети кутубхонасида) Шарафуддин Али Йаздийнинг Беҳзод безаган «Зафарнома» асари қўлёзма нусхаси сақланади. Унда Камолиддин Беҳзод чизган 12 та тасвир мавжуд. «Зафарнома»нинг бу нусхаси 1467 йили Шерали хаттот томонидан кўчирилган. Тарихдан маълумки, бу вақтда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳали салтанат тахтида эмас эди. Демак, асар Самарқандда Султон Абусаид саройида кўчирилган бўлиб чиқади. Қўлёзмани Алишер Навоий ва Беҳзод Самарқанддан кейинчалик Ҳиротга келтирганлар, деб тахмин қиламиз. Қўлёзмадаги 12 тасвир эса 1490 йилда Султон Ҳусайн саройида Камолиддин Беҳзод томонидан чизилган. Буни овруполик кўпчилик санъатшунослар эътироф этадилар.

«Зафарнома»нинг бу мўътабар нусхасига Абдулла Ҳотийий(вафоти 1521, Абдураҳмон Жомийнинг жияни)нинг ҳам назари тушган. У «Зафарнома»ни назм силкига тизар экан, Камолиддин Беҳзод яратган тасвирлардан ҳайратга тушиб, завқланиб, шундай ёзади:

Нигоранда наққош Беҳзодаст,
Сарири суханро чунин нақш баст.

(Тасвирларни чеккан мусаввир Беҳзод сўз мулки тахти ҳисобланган «Зафарнома»га шундай ажойиб нақш чекди).

Бу китоб кейинчалик Ҳиндистонга олиб кетилган. Қўлёзманинг 69-саҳифасида шоҳ Жаҳонгирнинг 1605 йилда ўз қўли билан ёзган қуйидаги эсдалик ёзуви мавжуд: «Бундаги саккиз тасвир Беҳзод қўли билан чекилган. Китоб менга бобом Ҳумоюндан қолган. Тахтга чиққан куним ёздим: санойи 1037 йил ҳижрий, милодий 1605 йил. Жаҳонгир ибн Акбар». Бу маълумотни биз санъатшунос олим Р. Эттингаузеннинг Ислом қомусига ёзган Камолиддин Беҳзод ҳақидаги мақоласидан олдик. Унинг таъкидлашича китобдаги барча тасвир, яъни 12 та асар ҳам Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансубдир.

Инглиз шарқшуноси Томас Арнольд 1930 йилда «Зафарнома»нинг ушбу нусхасидаги тасвирларни рангли ҳолда алоҳида китоб тарзида Лондонда нашр этган. У ўз китобида «Зафарнома»даги Беҳзод чизган тасвирларнинг ўзига хос хислатлари ҳақида фикр юритиб, Беҳзод суратгарлигида кўм-кўк бутазорлар билан замин сатҳининг зийнатлангани, манзаранинг жонли ва жозибадорлиги ундан олдин ўтган ва замондош мусаввирларникидан афзалроқ чиққан, деб ёзади.

«Зафарнома»га чизилган Беҳзод тасвирлари Амир Темур фаолиятлари билан боғлиқ турли тарихий воқеалар, жанг манзаралари, қабул маросимлари, Самарқандда олиб борилган бинокорлик ишларини акс эттиради. Китобдаги биринчи қўшалоқ тасвирда Амир Темурнинг боғда ўтказаётган қабул маросими ўз ифодасини топган: ўнг томондаги тасвирда Амир Темур ва унинг ўғиллари, сўл томонда эса тантанали қабул маросимига келган турли мамлакат элчилари ва сарой мансабдорлари. Уларнинг икки нафари — курсида, ҳар хил кийимдаги яна беш нафари эса ҳазрати Соҳибқирон қаршисида тавозеъ билан туришибди. Элчиларнинг бошқа бир тўдаси чорбоғ дарвозаси ёнида тўпланишган. Амирлар ортида турган ходимлар орасида қора танли хизматкорлар ҳам кўзга ташланади. Ушбу тасвир саҳнасида ўнлаб кишиларнинг тасвири бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирининг кийими, юз тузилиши ва ҳолатидан ким эканликларини ажрата оламиз. Мусаввир ўз мақсадига эришган ва тасвирда маросимдаги улуғворлик, тантанаворликни моҳирона акс эттира олган. Кишилар тасвири жонли, мазмун уйғун бўёқлар воситасида тўлақонли чекилган. Бу ҳол, юқорида қайд этилганидек, фақат Беҳзод ижодига хос хислатдир.

Яна бир тасвир тоғдаги жанг манзарасини акс эттиради. Амир Темур қўшинлари Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1381—1409) қўшини қолган-қутганларини тор-мор этишмоқда. Амир Темур аскарларининг бир қисми тоғнинг баланд чўққисидан тик, чуқур дарага тўрт-беш жангчини замбилда арқон билан туширишмоқда. Мусаввир Амир Темур қўшинлари, уларнинг тузилиши, қурол-яроғи ва афзалликларини яхши билган, уларнинг ҳар қандай табиий шароитда ҳам жанг қила олиш қобилиятини намоён эта олган. Бу ҳол Камолиддин Беҳзоднинг ниҳоятда кузатувчан баркамол мусаввир бўлганлигининг гувоҳидир.

Кейинги тасвирларда Самарқанддаги Амир Темур ташаббуси билан авж олдирилган бинокорлик ишлари тараннум этилади. Фақатгина шу, Беҳзод асарлари туфайлигина асрлар давомида жаҳон халқларини ўз муҳташамлиги ва кўрки билан ҳайратга солиб келаётган меъморчилик иншоотларининг ҳақиқий ижодкорлари кўз олдимизда намоён бўлади. Улар оддий меҳнаткаш халқ вакиллари: уларнинг кўпчилигини Беҳзод жуда яхши билган. Улар орасида араб, ёки бошқа халқ кийимида бўлган устани кўрмаймиз. Ўз халқимиз, аждодларимиз вакиллари. Тўғри, қурувчилар орасида усталарга ёрдам бераётган қора танлилар тасвири ҳам берилган. Бу меъморчилик иншоотлари ўтмиш маданиятимиз тараққиётидаги бир ёрқин босқичнинг жонли гувоҳидир.

Тасвирларнинг бири Бибихоним масжиди қурилиши жараёнидан бир лавҳани акс эттиради. Ҳар бир уста ўзига тегишли иш билан банд. Улар турли ҳолатларда, тиним билмай ишламоқдалар. Бинонинг асосий қисми: нафис нақшлар билан безатилган айвон қуриб бўлинган; пастда ишчиларнинг бир қисми масжид саҳни ва девори учун мўлжалланган оғир мармар тахталарни ташишмоқда. Бошқалари гишт терувчилар учун лой ҳозирлашмоқда. Энг юқорида қўлида бино шаклини тутган ҳолда турган бош меъмор.

Кейинги тасвир бинони жиҳозлаш жараёнини акс эттиради. Дурадгорлар тахта қирқиб рандалашмоқда. Тош йўнувчилар мармар тахталарни ўйиб, нақш чекиш, сирланган тош тахталарга гул тушириш билан банд. Назоратчи хизматкорлардан бирини калтакламоқда. Олд томонда мармар тахталар ортилган арава. Тасвирда қурилиш анжомлари ортилган фил ва қурилишда иштирок этаётган ҳиндуларни кўрамиз. Тасвирнинг моҳироналиги ва ҳаётийлиги мусаввирнинг Алишер Навоий ташаббуси билан авж олдирилган қурилиш ишларидан илҳом олгани ва ҳазрати Соҳибқирон ёдининг барҳаётлигидан, ул улуғ зотга бўлган меҳри ифодасидир. Алишер Навоий Фарҳоднинг яратувчилик меҳнатини куйлаган бўлса, моҳир мусаввир буни оқилона идрок этиб, халқ меҳнатини шарафлади. Бу жиҳатдан Беҳзод ўзининг санъатимиз тарихида биринчи инсонпарвар, реалист мусаввир эканлигини исбот этди.

Камолиддин Беҳзоднинг Амир Темур сиймосини, ул зот фаолиятини улуғлаши «Зафарнома» тасвирлари билан чегараланмайди. Унинг Хусрав Деҳлавий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий асарларига чизилган тасвирларда ҳам Амир Темур фаолияти билан боғлиқ тасвирлар, саҳналарни кўрамиз. Беҳзод асарларининг кўпчилигида кўркам чорбоғлар манзараси, саройлар, нақшинкор пештоқлар тасвири. Бу ҳол Амир Темур қурдирган чорбоғлар донғининг оламга ёйилганидан гувоҳлик беради. Бундай гўзал табиат манзаралари Беҳзоднинг она юртидагина мавжуд эди.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

ОРИЯТ ҲАМИША ҒОЛИБ

(Боши 1-бетда).

ки, вилоятда шу йилнинг март ойигача турли сабабларга кўра ишламай турган 53 та боғчадан 48 таси қайтадан яна тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Қолган 5 та боғча ҳам тез орада, қайта таъмирланиши тугагач, ўз бағрига жажжи болакайларни қабул қила бошлайди. Шу ўринда, Хива туманидаги «Лола», «Ғунча» каби боғчаларнинг фаолияти фаолларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, «Лола» болалар боғчасидаги шинамлик, саранжом-саришталик кўзларни қувонтиради. Бу ерда кичкинтойларга француз тили ўргатилаётган экан. Тили ширин болакайларнинг французча ижро этган шеър ва қўшиқларини йиғилганлар катта завқ-шавқ билан тингладилар. Шунингдек, боғчада иқтисодий билим асослари ҳам кичкинтойларга мослаб қизиқарли ўйинлар тарзида ўргатилмоқда.

Вилоят боғчаларидаги бундай ижобий кўрсаткичлар шунга гувоҳлик берадики, демак, воҳада ишлашга имконият ва интилишлар катта. Фақаттина озгина қунт ва масъулият ҳиссси керак.

Хоразм азалдан илму маърифат воҳаси бўлиб келган. Бу қадим тупроқда Беруний, Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Огаҳий, Феруз каби дунёга донги кетган алломалар, фозиллар туғилиб ўсганлар. Бугунги ёш авлод шундай шавкатли аждодлари изидан бораяптими? Ҳа, албатта. Хоразмлик ўқувчи-ёшлар кўпгина соҳалар бўйича, умумий кўрсаткичларда эътиборли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Лекин бугунги ўзгаришларга бой, долғали давримизда бундай муваффақиятлар билан чекланиб қолиш, ҳаволаниб юриш ярамайди. Зеро, мустақиллигимиз, ёшлар олдида турган буюк келажак яратиш вазифаси бизни янада улкан масъулиятлар томон ундамоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларга чуқур илм бериш, албатта, ўқитувчи кадрларнинг билим савиясига, тайёргарлигига боғлиқ. Бироқ, минг афсуски, бу ерда ҳам кадрлар қунимсизлиги мавжуд. Вилоятдаги олий ва ўрта махсус билим юртларини битирган ёшларнинг катта қисми ўз соҳалари бўйича ишлашмаяпти, ваҳоланки, умумтаълим мактабларида 780 нафар ўқитувчи етишмайди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ўз ҳисобидан Урганч давлат университети, Хева педагогика билим юрти билан кадрлар тайёрлаб бериш юзасидан шартномалар тузганини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Бироқ ҳозирги даврда юзаки шартномалар билан иш битмайди. Ўқитувчилар етишмайдиган туманларда олий ва ўрта махсус билим юртларига кириб ўқиш истагида бўлган ёшларни янгича шароитдаги тест синовларига тайёрлаб бориш зарур. Бу бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизда: «Қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит», деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, ҳурматли юртбошимизнинг Хоразм вилоятида айтган танқидий фикрлари республикамизнинг бошқа вилоят ва туманларига ҳам тегишлидир. Ўйлаймизки, бошқа вилоят ва тумандаги халқ таълими тизими ходимлари ҳам айнан ўзларини бармоқ билан кўрсатишларини кутиб турмай, мавжуд камчилик ва хатоларни бартараф этиш устида жиддий бош қотира бошлайдилар.

Лукмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ТАНҚИДДАН КЕЙИНГИ ТАҲЛИЛЛАР

Кейинги йилларда қишлоқ жойларидаги баъзи мактабгача тарбия муассасаларида моддий таъминотнинг яхши эмаслиги, ҳатто айрим болалар боғчаларининг ёпилаётгани ҳақидаги хабарлар ҳам қулоғимизга чалиниб қолмоқда. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Ушбу саволга жавоб излаб яқинда Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлиб қайтган республика Таълим илмий-методика марказининг мактабгача тарбия бўлими бошлиғи Замира Абдураҳимовага мурожаат қилдик.

— Узингизга яхши маълумки, халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг шу йил 16 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари учинчи сессиясида Президентимиз И. Каримов мактабгача тарбия муассасалари тўғрисида ҳам кўпгина танқидий фикрларни билдирган эди. Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлганимизда ҳақиқатан ҳам бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бу сафаримиздан асосий мақсад вилоятдаги мактабгача тарбия муассасалари билан яқиндан танишиш, текшириш эмас, балки уларга амалий-услубий ёрдам бериш, вилоят болалар боғчаларига янги усул, янги руҳ ва миллий тарбия мазмунини олиб кириш каби бир қатор вазифалар кўзда тутилган эди. Бир ҳафта давомида вилоятнинг Қўшкўпир, Хива, Хозарасп, Шовот, Боғот, Янгиариқ, Хонқа, Урганч, Гурлан, Янгибозор туманларидаги халқ таълими ва жамоа хўжаликларига қарашли 68 та мактабгача тарбия муассасаларида бўлдик.

Хивадаги 8-«Бойчечак», 13-«Зилола», 1-«Назокат», 5-«Шодлик», Янгиариқ туманидаги 1-«Бахтиёр», 5-«Ойдин», Гурлан туманидаги 8-«Қуёшча», 5-«Тинчлик», 1-«Бобур» мактаб-боғчаси, Хонқа туманидаги 6-«Навбаҳор», 5-«Дилдора» каби бир қатор мактабгача тарбия муассасалари ҳар томонлама мукаммал, замонавий услубда қурилганлиги, дид билан жиҳозланганлиги, санитария-гигена талабларига жавоб бериши бизни қувонтирди. Бу жажжилар масканларида таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Соғломлаштириш хонаси, фитобар, гуруҳларда табиат бурчаги, ўйин ва ўйинчоқлар, китоблар бурчаги тўғри ташкил қилинган. Болалар билан узлуксиз машғулотлар олиб борилиши уларнинг дунёқарашидан, нутқларининг равонлигидан сезилиб турибди. Кичкинтойларга илк иқтисодий, экологик тарбия бериш, савод ўргатиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Хорижий тиллар ўргатилмоқда.

Ҳатто Хива туманидаги 1-«Назокат» ва Хозарасп туманидаги 8-«Феруза» болалар боғчаларида тадбиркорлик билан иш юритилаётганининг ҳам гувоҳи бўлдик. Бу болалар боғчалари қошида гилам тўқиш цехлари очилган. Унга ишсиз юрган ота-оналар жалб қилиниб, гилам тўқишаётир. Тўқилган гиламларнинг учтадан биттаси боғчага қолдирилмоқда. Бу жажжилар масканларининг барча гуруҳлари гилам ва йўлак гиламчалари билан таъминланмоқда.

Бироқ Боғот туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигига қарашли «Қувонч», Урганч туманидаги Жалолиддин Мангуберди номли жамоа хўжалигига қарашли 1-«Ғунча», «Гулистон» жамоа хўжалигига қарашли 1-«Олтин балиқча», Янгибозор туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигига қарашли «Райҳон», Гурлан туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигига қарашли «Ғунча» болалар боғчаларида эса юқоридаги ҳолатларнинг мутлақо аксига дуч келдик. Бу мактабгача тарбия муассасаларида иситиш тармоқлари ишламайди, хоналар совуқ ва зах, болалар пальтоларда утиришибди. Спорт майдончаси, боғча ҳовлиси бетартиб ва қаровсиз.

Боғот туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигига қарашли «Қувонч» болалар боғчасида краватлар етишмаслигидан бир краватда иккитадан бола ётқизилган. Уйинчоқлар мутлақо йўқ. Борлари ҳам тарбиячилар қўли билан ишланган, қоғоз ва матодан ясалган.

Идиш-товоқ етишмаслигидан бир идишдан икки бола овқатланаётган ҳолларини ҳам учратдик. Баъзи болалар боғчаларида эса стол-стуллар етишмайди.

Дружба туманида еттита боғча ёпилган. Ҳозир унинг биттаси қайтадан очилган бўлиб, у ҳам таъмирталаб, ҳовлиси қаровсиз, бетартиб аҳволда.

Ишлаб турган баъзи мактабгача тарбия муассасаларида ҳам болалар сони ниҳоятда кам. Масалан, Дружба тумани Узбекистон жамоа хўжалигига қарашли 1-болалар боғчаси 140 ўринли. Ана шу боғчада 20 нафар бола, халқ таълимига қарашли 280 ўринли 4-болалар боғчасида 107 нафар бола, 5-болалар боғчасида 280 ўриндан 130 нафар бола, Хозарасп туманидаги 7-«Юлдузча» болалар боғчасида 280 дан — 100 нафар бола, 8-«Феруза» болалар боғчасида 140 ўриндан 60 нафар, Янгиариқ тумани Аваз Утар номли жамоа хўжалигига қарашли 140 ўринли 3-«Лола» болалар боғчасида 50 нафар бола боғчага келган ҳолатларнинг устидан чиқдик.

Сафаримизнинг охирги куни Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мадраим Жуманиёзов раҳбарлигида вилоят, шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бошқармаси, халқ таълими бўлими мудирлари, вилоят СЭС, қишлоқ хўжалиги бошқармаси, туман ҳокими муовинлари, халқ таълими касаба уюшмаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш утказилди. Бу йиғилишда барча туман, шаҳардаги мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари иштирок этдилар. Ушбу йиғилишда мактабгача тарбия муассасаларининг ҳозирги аҳволи, эришилган ютуқлари, камчиликлар ва муаммолар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Хива шаҳар ҳокимининг 1996 йил 5 апрелда қабул қилган Фармойиши ҳаммага ўрнак қилиб ўқиб эшиттирилди. Ушбу Фармойишга биноан шаҳар халқ таълимига қарашли болалар боғчаларида тарбияланаётган иқтисодий ҳимоянишга муҳтож оилаларнинг болалар учун ота-оналардан олинадиган тўловлар қисман ва тўлиқ озод қилиш бўйича комиссия тузилгани эълон қилинди.

Бир сўз билан айтганда, айни кунларда Хоразм вилоятида мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эътибор кучайгани яққол сезилади. Ёпилган боғчаларни қайта очиш, уларни таъмирлаш, озиқ-овқат билан таъминлаш ишларида катта ижобий ўзгаришлар бўлаётир. Хоразмдан хушхабар эшитдик. Ёпилган 53 та болалар боғчасининг 48 таси қайта очилибди. Бу дегани, асосан иқтисодий шароит сабаб бўлиб ёпилган болалар боғчаларида моддий таъминот яна йўлга қўйилаётганидан дарак беради.

Зубайда УСМОНОВА
ёзиб олди.

Лотин алифбосини ўрганамиз

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

Бугун мустақил Узбекистон жаҳон ҳамжамиятига тенгларнинг тенги сифатида кириб бормоқда. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан деярли барча соҳаларда дўстона муносабатлар ўрнатаётир.

Айни пайтда янги алифбога ўтиш давлат тили мақомини олган ўзбек тилининг тараққиёти учун хизмат қилиши муқаррардир. Узбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни ва унга тегишли қарорларни амалга ошириш борасида Узбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларида бу алифбо ўқув фани сифатида режага киритилди. Республикамизда янги ўзбек алифбосига ўтиш жараёни 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб, босқичма-босқич 2005 йилгача амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу борада республика Таълим илмий-методика маркази томонидан ҳам талайгина ишлар бажарилди.

1995 йил сентябрь ойида янги ўзбек алифбосини жорий этиш шўъбаси ҳамда уни мувофиқлаштириб турувчи йирик олим ва мутахассислар иштирокида 9 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Шўъба ходимлари РТИММ барча бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти.

Халқ таълими барча бўғинларининг янги ўзбек алифбосида зарур ўқув қўлланмалари билан таъминлаш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзбек тилининг асосий имло-қоидалари» ҳамда «Ўзбек тилининг имло луғати» чоп этилди. Ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун «Атрофимиздаги олам» китобчаси қўлга тегди. С. Ризаевнинг «Янги алифбони ўрганамиз» ҳамда «Расмли алифбо жадвали», Й. Абдуллаевнинг «Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури», «Она тили» дастури, Б. Маъқулова ва бошқаларнинг «Китобим — офтобим» қўлланмаси нашрдан чиқди. Й. Абдуллаевнинг «Ҳамроҳим» қўлланмаси, С. Ризаевнинг «Имло ва талаффуз луғати» қўлёзмалари муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди.

Халқ таълими тизими ходимларини янги ўзбек алифбосига ўргатишнинг ҳам бир қатор усуллари ишлаб чиқилмоқда. Муаллифлар Т. Ғаффорова ва Муртазовлар томонидан тайёрланган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш» курси бўйича ўқув дастурида оригинал усул — ҳарф ва товушларни алифбо шаклидан фарқлироқ, уларнинг ёзилиши, талаффузи, қўлланиш миқдори, содда ва мураккаблигига қараб гуруҳларга бўлиб ўргатиш тавсифлаб берилган. Масалан, унли товушлар, белгили ҳарфлар, ҳарф бириккмаларини бутун мураккаблиги билан ўрганиш мақсад қилиб қўйилган. Профессорлар М. Маҳмудов, Б. Тўхлиев ва Р. Абдулаҳатовалар томонидан тузилган курснинг дастури эса 60 соатга мўлжалланган бўлиб, унда дарсларни асосан амалий машғулотлар тарзида ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Талабаларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг умуммаданий тараққиётидаги аҳамияти билан таништириш, уларга алифбодаги ҳарфлар, уларнинг ёзилиши, имло қоидаларини ўргатиш, босма ва қўлёзма матнларни тез ва тўғри ўқиш, тўғри ёза олиш малакаларини таркиб топтириш мақсад қилиб қўйилгандир.

Ширинхон АҲМЕДОВА,
РТИММ етакчи методисти.

МАТЕМАТИКА

1

1995 йил Олий ўқув ва ўрта махсус билим юртларида ўтказилган кириш тест- имтиҳонлари ҳар бирида 36 тадан тест- топшириқ бўлган 3 та вариант асосида ўтказилди. Ўтказилган тест- имтиҳон натижалари таҳлил қилинди. Таҳлилда аксарият абитуриентлар
-натурал сонлар устида амаллар бажариш, натурал сонларни туб кўпайтувчиларга ажратиш, алгебраик ифодаларни чизиқли кўпайтувчиларга ажратиш қуникмаларини яхши эгаллагани; процентга, тўртбурчакларга ва кўпёқларга доир масалаларни яхши тушунгани;
-функциянинг ҳосиласи, логарифм ва унинг хоссалари, айлана, кўпбурчаклар, тригонометрияга оид масалаларни яхши тушунмагани маълум бўлди.

Қуйида 1995 йилги тест синовларида берилган топшириқлардан айримларини ечимлари билан келтирамиз. Қавс ичида саволнинг қайси вариантга тегишли эканлиги ёзилган.

9(А). Агар $|x-9|+(x-y)^2=0$ бўлса, $3x+2y$ нинг қийматини топинг.

А) *9* В) *18* С) *20* D) *4* Е) *45*

Ечиш. $|x-9|+(x-y)^2=0$ бўлиши учун $\begin{cases}|x-9|=0\\(x-y)^2=0\end{cases}$ бўлиши керак.

Бундан $\begin{cases}x=9\\x=y\end{cases}$ эканлиги келиб чиқади. Демак, $3x+2y=3\cdot9+2\cdot9=45$.

Жавоб. **Е.**

12(А). $\begin{cases}5-3(x+1)\geq-x-1\\5x+2>1\end{cases}$ тенгсизликлар системаси нечта бутун ечимга эга?

А) *1* В) *2* С) *3* D) *4* Е) *7*

Ечиш. $\begin{cases}5-3(x+1)\geq-x-1\\5x+2>1\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}5-3x-3\geq-x-1\\5x+2>1\end{cases} \Rightarrow \begin{cases}-2x\geq-3\\5x>-1\end{cases} \Rightarrow$

$\begin{cases}x\leq3/2\\x>-1/5.\end{cases}$ Бундан $-\frac{1}{5}<x\leq\frac{3}{2}$ берилган тенгсизликлар системасининг ечими эканлиги келиб чиқади. Бу оралиқда фақат иккита бутун сон ($x=0$ ва $x=1$) бор. Шунинг учун тўғри жавоб В бўлади.

33(А). Агар $\cos(3\pi-4\alpha)=\frac{2}{3}$ бўлса, $27\cos^4 2\alpha$ нинг қийматини топинг.

А) *1/27* В) *2/81* С) *3/4* D) *4* Е) *1*

Ечиш. $\cos(3\pi-4\alpha)=\frac{2}{3} \Rightarrow -\cos4\alpha=\frac{2}{3} \Rightarrow 1+\cos4\alpha=1-\frac{2}{3}=\frac{1}{3} \Rightarrow$

2

$2\cos^2 2\alpha=\frac{1}{3} \Rightarrow \cos^2 2\alpha=\frac{1}{6} \Rightarrow 27\cos^4 2\alpha=27(\cos^2 2\alpha)^2=27\cdot\left(\frac{1}{6}\right)^2=\frac{3}{4}$.

Жавоб. **С.**

33(В). Қуйидаги $\vec{a}\left(-\frac{3}{5};-\frac{4}{5}\right)$, $\vec{b}(-1;1)$, $\vec{c}(0;1)$, $\vec{d}\left(-\frac{3}{5};\frac{3}{5}\right)$ векторлар орасидан узунлиги 1 га тенгларини топинг.

А) $\vec{c},\vec{d}$ В) $\vec{c},\vec{a}$ С) $\vec{b},\vec{a}$ D) $\vec{a},\vec{c}$ Е) $\vec{b},\vec{c}$

Ечиш. $|\vec{a}|=\sqrt{\left(-\frac{3}{5}\right)^2+\left(-\frac{4}{5}\right)^2}=1$, $|\vec{b}|=\sqrt{(-1)^2+1^2}=\sqrt{2}$,

$|\vec{c}|=\sqrt{0^2+1^2}=1$, $|\vec{d}|=\sqrt{\left(-\frac{3}{5}\right)^2+\left(\frac{3}{5}\right)^2}=\frac{3\sqrt{2}}{5}$.

Бундан кўринадики, берилган векторлардан фақат $\vec{a}$ ва $\vec{c}$ нинг узунликлари 1 га тенг экан. Шунинг учун тўғри жавоб D бўлади.

25(В). Агар $\operatorname{tg}x+\operatorname{ctg}x=10$ бўлса, $\operatorname{tg}^2x+\operatorname{ctg}^2x$ нимага тенг?

А) *100* В) *98* С) *88* D) *70* Е) *1*

Ечиш. $\operatorname{tg}x+\operatorname{ctg}x=10$ тенгликнинг иккала томонини квадратга кўтарамиз: $\operatorname{tg}^2x+2\cdot\operatorname{tg}x\cdot\operatorname{ctg}x+\operatorname{ctg}^2x=100$. $\operatorname{tg}x\cdot\operatorname{ctg}x=1$ эканлигини эътиборга олсак, охирги тенгликдан $\operatorname{tg}^2x+\operatorname{ctg}^2x=98$ эканлиги келиб чиқади.

Жавоб В.

35(В). Ҳар бир ички бурчаги 144° бўлган қавариқ кўпбурчакнинг нечта томони бор?

А) *12* В) *5* С) *6* D) *8* Е) *10*

Ечиш. Қавариқ кўпбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси $180^\circ\cdot(n-2)$ га тенг (n – кўпбурчак томонларининг сони). Иккинчи томондан ҳар бир ички бурчаги 144° бўлгани учун, у $144^\circ\cdot n$ га тенг бўлади. У ҳолда $180^\circ\cdot(n-2)=144^\circ n \Rightarrow 5(n-2)=4n \Rightarrow n=10$. Жавоб **Е.**

5(В). $y=a^x$ ($a>0$, $a\neq1$) кўрсаткичли функцияга оид қуйидаги тасдиқларнинг қайси бири нотўғри?

А) *функция жуфт ҳам эмас, тоқ ҳам эмас*
В) *функция графиги (0; 1) нуқтадан ўтади*
С) *$a>1$ бўлганда функция аниқланиш соҳасида ўсувчи*
D) *функциянинг аниқланиш соҳаси $(-\infty;\infty)$*
Е) *функциянинг қийматлар соҳаси R*

Ечиш. x нинг ихтиёрий қийматларида $a^x>0$. Шунинг учун функциянинг

3

қийматлари манфий бўла олмайди ва унинг қийматлар соҳаси $(0;\infty)$ бўлади. Жавоб **Е.**

12(О). Учбурчакнинг томонлари 3,4,5 га тенг. Унга ўхшаш учбурчакнинг периметри 36 га тенг. Иккинчи учбурчакнинг юзи биринчи учбурчакнинг юзидан неча марта катта?

А) *9* В) *12* С) *6* D) *3* Е) *15*

Ечиш. P_1, S_1-биринчи, P_2, S_2- эса иккинчи учбурчакнинг периметри ва юзи бўлсин. Шартга кўра $P_1=3+4+5=12$, $P_2=36$. Ўхшаш учбурчакларнинг хоссасига кўра $S_2:S_1=P_2^2:P_1^2$ ёки $S_2:S_1=36^2:12^2$ Бундан $S_2=9S_1$ ни ҳосил қиламиз. Демак, жавоб **А.**

17(О). $\sin\frac{x}{2}+\cos x=2$ тенгламанинг $[\pi;17\pi]$ кесмада нечта илдизи бор?

А) *битта* В) *тўртта* С) *иккита* D) *йўқ* Е) *учта*

Ечиш. Бу тенглама ечимга эга бўлиши учун бир вақтнинг ўзида ҳам $\sin\frac{x}{2}=1$, ҳам $\cos x=1$ бўлиши керак. Агар $\sin\frac{x}{2}=1$ бўлса, у ҳолда $\cos x=1-2\sin^2\frac{x}{2}=1-2\cdot1=-1$ бўлади. Демак, бир вақтнинг ўзида ҳам $\sin\frac{x}{2}$, ҳам $\cos x$ бирга тенг бўла олмайди. Шунинг учун қаралаётган ораликда берилган тенгламанинг илдизи йўқ. Демак, жавоб **D.**

35(О). $\lg3=a$ ва $\lg2=b$ бўлса, $\log_5 12$ ни a ва b орқали ифодаланг.

А) $\frac{a+2b}{a-b}$ В) $\frac{a+b^2}{2}$ С) $\frac{a+2b}{5}$ D) $\frac{a+2b}{1-b}$ Е) $a+2b$

Ечиш. $\log_a x=\frac{\log_b x}{\log_b a}$ формуладан фойдаланиб $\log_5 12$ ни ўнли асосга ўтказамиз:

$\log_5 12=\frac{\lg12}{\lg5}=\frac{\lg(2^2\cdot3)}{\lg\left(\frac{10}{2}\right)}=\frac{\lg2^2+\lg3}{\lg10-\lg2}=\frac{2\lg2+\lg3}{1-\lg2}=\frac{2b+a}{1-b}$. Жавоб. **D.**

1996 йил ҳам математика бўйича кириш тест-имтиҳонлари кўп вариант асосида ўтказилади. Умумий таълим мактаблари дастури ҳажмида математик тушунчаларни, улар орасидаги боғланишлар(хоссалар, теоремалар, формулулар)ни, типик масалалар ечишни яхши билган, мантиқий фикрлаш қуникмасига эга бўлган абитуриентлар 1996 йил учун мўлжалланган масала топшириқларни ҳал қилишда қийналмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази.

ҲАР БАҲОРНИНГ БОРДИР ЎЗ ГАШТИ

ОЗОД ВАТАНДА

Уста рассом чизгиларини
Бўягандай бир бошдан аста,
Ўлкам узра кезмоқда баҳор,
Ранг улашиб, қўлда гулдаста.

Боғлар, тоғлар, далалар бари
Уйғонмоқда мудраб уйқудан.
Қулоғимга чалинар шўх куй,
Қалбим нотинч тотли туйғудан.

Ўша туйғу нозик, сеҳрли
Қалб торини бир чертиб ўтган.
Бир умрлик илм бериб менга,
Қўлга қалам тутқазиб кетган.

Қалдирғочлар қоқади қанот,
Чарх уради мовий осмонда.
Ҳар баҳорнинг бордир ўз гашти
Озод Ватан, Эркин замонда.

ОРЗУ

Ғоям юксак, ниятим тинчлик,
Сўзларимга туйғу берар ранг.
Билганини сўйлайди ҳар ким,
Орзу юкин тортганча аранг.

Эл қалбининг туғёнларини
Чин юракдан ҳис эта олсам.
Бир умрга қондош, сирдошдек
Инсонларнинг дилида қолсам.

Маҳамад ҒАЗНАБОЕВ,
Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси.

Нигоҳида тўлқин-тўлқин ҳайрат оқар...

ЯХШИЛАРГА ДУОДАМАН

Дунёда кўп яхшиларнинг яхшилари,
Одамзот бўп юраверар инсон бари.
Яхшиларнинг бор бўлади номус-ори,
Яхшилардир ҳаётимиз ифтихори.

Ҳаётимиз яхшиларнинг бўлсин кони,
Яхшилардир тирикликнинг ўлмас жони.
Яхшиларнинг тўкин эрур ризқи-нони,
Яхшилардан нур таралар — бор имкони.

Яхшиларни Оллоҳ: суйган қулим, — дейди,
Яхши инсон халқимизнинг ғамин ейди.
Яхшиликдан Ўзбекистон сарпо кийди,
Яхшиликдан ватанимни дунё суйди.

Яхшиларнинг борлигидан қувонаман,
Икки қўллаб яхшиларга дуодаман.
Халқимизнинг бахти учун бўлсин омон,
Ўзбек эли қадам ташлар олга томон.

Дунёда кўп яхшиларнинг яхшилари,
Одамзот бўп юраверар инсон бари.
Яхшиларнинг бор бўлади номус-ори,
Яхшилардир ҳаётимиз ифтихори.

ҲАСАДГЎЙНИНГ ЎЛИМИ

Бор экану йўқ экан, эл-юрт тинч, тотув ва тўқ экан.

Бироқ шу ерда бир ҳасадгўй ҳам бор экан.

У — кўринишдан роса одамшаванда, аслида ичи қора банда, борига тайёр, ўлгудек зиқна ва айёр экан.

Ичи тўлган қозонкуя, уни ҳар кишига юқтиришга тайёр экан.

Орзулари ҳеч ушалмас, ўзи элга қўшилмас экан. Яхши одамлардан қочар, уларнинг сирини билиб олса, дарҳол ҳаммага очар экан. Бўйи пасту қилтириқ, изларкан қилдан қийиқ. Бировнинг бировга яхшилик қилаётганини кўрса, титраб кетаркан, тишини тишига ишқалаб ихраб кетаркан. Мардни кўрса, ортидан тош отишдан тоймас экан, аммо қўлидан ҳеч нарса келмас экан.

Бир куни қушнисининг оддийгина қоп-қора мушуги семиз кўринибди кўзига, боши айланиб, тили қулдираб қолибди,хотини ҳам тушунмабди, айтаётган сўзига.

Қирчиллама қиш куни, қушнисининг ҳовлисида очилиб турган гулни кўриб сўрида, ҳасаддан тиришиб ўлиб қопти ўз ҳовлисининг тўрида.

Бекор айтмаслар, ҳавас қилсанг етасан, ҳасад қилсанг бир кун таррақдай қотасан.

Холмўмин ШУКУРОВ,
Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими мудири.

ДАЛА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Сукунатнинг бўғиқ нафаси
Тун бағрини кетади тилиб.
Юлдузларнинг шодон кулгуси
Чаноқларда қолар илиниб.

Пайкалларни мухрлаб кетар
Телба сувнинг шошқин излари.
Ғўзаларнинг тушига кирар
Кулиб турган деҳқон қизлари.

Пахтазорга маҳлиё бўлиб,
Ой мудраркан жўякларо.
Қўлда кетмон... уни чўчитиб
Юборади миришкор бобо.

* * *

Шомда уйга қайтади деҳқон,
Юзида чанг — дала суврати.
Қўлларидан эшитар такрор,
Чой бошида дала ҳасратин.

Ташқарига парда ташлар тун,
Ичида ой айтади алла.
Секин чертар деразаларни
Шоҳсупага бош қўйиб дала.

Осилади деҳқон бўйнига
Ташвишларнинг майин қўллари.
Гуркирайди иссиқ қўйнида
Нонинг ҳиди — тупроқ бўйлари.

Бир интиқлик қалбида гуллар:
Тонг чиройин кўрсатса тезроқ.
Уни дала — боласи кутар
Беланчакда ётганча уйғоқ.

Кипригида чарчоқ — оғир тош
Деҳқон ухлар кенг тўшагида.
Ажаб, қаранг оқ тонг отганмиш
Аллақачон унинг тушида.

Илҳом ИСЛОМОВ,
Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси.

ТЎРТОВЛОН ТУГАЛ БЎЛСА

(Эртак)

Бор эканда йўқ экан. Жуда қадим замонда, Адолат деган овул томонда бир-бирига ҳамдам, жуда аҳил, садоқатли тўртта дўст яшаркан. Кунларнинг бирида тўртовлон — Ростгўй, Тўғри, Софдил ва Меҳнатсевар узоқ йўлга отланишибди. Уларнинг орзулари чексиз экан. Асрлар бўйи Хазинатепада яшириниб, ётган адолатлилар орзу-армони бўлган ҳақиқни топиш экан. Хазинатепага етай деганларида уларга икки йўловчи ҳамроҳ бўлибди.

— Йўл бўлсин? — сурабди Эгри ўроқдай бўйнини юз хил мақомда ўйнатиб, муғомбирона тиржайганича. — Бизлар ҳам дўст излаганлардан. Борсак бўладими?

— Ҳм-м, кеча тушимда аён бўлгандиларинг, — ошнасининг гапига қўшимча қилибди Дангаса. — Девор бўлмаса, кўчани кўрадиганлардамиз... Хизирнинг ўнгири тегиб кетган-а бизларга! Бизга ҳамроҳ бўлганлар кам бўлмайди.

Тўртовлон рози бўлишибди. Сафлари кенгайса ёмонми?! Қайтага иш тез битади. Улар Хазинатепага етиб келишибди.

— Бошладик, — дея билакларини шимариб ишга тушибди Меҳнатсевар.

— Қани, — дейишибди Ростгўй, Тўғри ва Софдил ўр-тоқларини қувватлаганича ишга киришиб. — Куч бирликда.

Иш энди қизиганда, Эгри ҳарсангга суянганича гап бошлабди:

— Буни ўн ойдаям битказа олмаймиз. Қанча тупроқ ковлашимиз керак ўша матоҳларингни топиш учун. Эҳ-ҳе!.. Мен шу яқин ўртада изғиб юрган ўғрилар тўдасини биламан. Ўша излаганларингни бир кечада муҳайё қилади-ку.

— Тўхта, тўхта, — унинг гапини бўлибди Дангаса. — Дангасалар ўлкасида бир оқсоқол бор. У жуда зўр одам. Бир дуо билан излаганингни қўлингга тутқазади...

Иш тўхтабди. Тўртовлон бир тараф, иккитаси бир тараф. Гаплари бир ердан чиқмабди. Ўз гапларини ўтказа олмаган Эгри ва Дангаса бошлари оққан тарафга йўл олишибди. Меҳнат қилиш, тер тўкиб хазинага эришиш уларнинг қонида йўқ экан.

Уларни жўнатиб юборган тўрт дўст белларини маҳкам боғлашиб ишни давом эттирибдилар. Ҳалол меҳнат, изланиш ўз самарасини бериби. Улар ҳақиқни топишибди. Қишлоққа, оқсоқоллари олдига боришибди улар. Оқсоқол уларни узоқ алқабди. Уни халқ фаровонлиги йўлида ишлатишибди. Адолатлилар роҳат-фароғатда, бахтиёр ҳаёт кечиришибди.

— Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирар, — бир нуқтага тикилганича дебди Ростгўй.

— Тўртовлон тугал бўлса, тепадагини эндирар, — қўшиб қўйибди Тўғри.

— Ахир, ҳалиги икки ҳамроҳимизнинг ёлғонига учсак, нима бўларди, — дейишибди Софдил ва Меҳнатсевар ҳам уларнинг гапини маъқуллаб.

Ўшандан буён халқ орасида «Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирар, тўртовлон тугал бўлса, тепадагини эндирар», деган мақол юрармиш.

Шариф ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси.

САРОЙЛИК ШОИР

Урта аср адабиети намояндаларидан бири Сайфи Сароийдир. У тахминан 1320 йили туғилиб, 1396 йилда вафот этган. Олтин Урда мамлакатининг пойтахти Сарой шаҳрида яшаб ижод этган.

«Олтин Урда маданияти» деб номланган маданиятнинг вужудга келиши ва равнақ топишида Ўрта Осиё халқлари катта роль ўйнаган. XIV аср ўзбек адабиётидаги бир қатор асарлар ҳам Олтин Урда ҳудудида яратилган эди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» асари ва Сайфи Сароийнинг «Гулистон» таржималари шулар жумласидандир.

Мўғуллар ҳукмронлиги емирила бошлагач, қипчоқ шоирлари Олтин Ўрдани тарк этиб, ўша даврдаги йирик маданият марказларидан бири бўлган Мисрга кетади. Шулардан бири Сайфи Сароий эди. Келишдан мақсад, шу даврда Мисрда қипчоқлар (мамлуклар) ҳукмронлик қилар эди. Иккинчидан, мамлуклар ҳукмронлик қилган даврда Мисрда турк тилини, адабиётини ўрганишга катта эътибор берилган эди.

Сайфи Сароий ўзининг бир шеърида:

«Қамишти» деган юрт
менинг туққан элим эди,
Билсангиз, мени чет элга
келтирган илм эди.
Бунда келиб, умримни
шеъриятга бағишладим,
Саройнинг шоириман,
одамнинг қашшоғи эдим, —

дейди. Сайфи Сароийнинг ижоди билан шуғулланган олимларнинг айтишларига кўра, Қамишти шаҳрига қарашли ерлар ҳозирги Саратов (Саритов), Уралда учрайди.

Бизга Сайфи Сароийнинг икки асари етиб келгани маълум — «Туркча Гулистон» ҳамда «Сухайл ва Гулдурсун». «Туркча Гулистон» форс-тожик адабиётининг буюк шоири Саъдийнинг «Гулистон» номли асарининг туркий тилидаги таржимасидир. Сайфи Сароий асарни 1391 йили таржима қилиб, «Гулистон би-т-турки» деб ном берган. У «Гулистон»ни ҳеч бир ўзгаришсиз таржима қилишни мақсад қилмаган, аксинча кўп жойларини қисқартирган, ижодий ёндашиб асарнинг бадиий қиммати оширган. Масалан, китобнинг I—VII бобларидаги 182 ҳикоятнинг 178 тасини таржима қилган, учинчи бобига ўз тарафидан янги ҳикоя қўшган. Шунингдек, «Саккиз шоирга жавоб» шеърлари, асар таржимасидаги қатор мисоллар шоирнинг назира услуби билимдони эканлигини кўрсатади.

Тубанда «Гулистон би-т-турки»дан айрим ҳикоятларни эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

ҲИКОЯТЛАР

* * *

Бир подшо қули билан бирга кемада келар эди. Бурун кемага ўтириб кўрмаган қули қўрқиб йиғлай бошлабди. Шунда бир донишманд киши подшога: «Агар рухсат этсангиз уни тинчлантирайин», — депти. Подшо рухсат берибди. Донишманд қулни денгизга ташлабди. Бояқиш қул сувга бир ботиб, бир чиқади. Иккинчи ботганида уни сочидан тортиб, қайтадан кемага чиқариб олибдилар. Қул кемага аранг чиқиб, бир бурчакка бориб буришиб, тиришиб, даг-даг титраб ўтириб қолибди. Подшо «Нима бўлди?» — деганда, донишманд: «Бу одам денгизга ғарқ бўлишнинг машаққатини кўрмаганликдан, ўзининг соғ-саломат ўтирганининг қадрини билмади. Қийинчилик кўрмаган одам роҳатнинг қадрини билмайди», — дебди.

* * *

Лукмони ҳакимдан сурабдилар: «Одобни кимдан ўргандингиз». Жавоб берибди: «Одобсизлардан ўргандим. Уларнинг ўзини тутишларига қараб, қайси бири кўнглимга ёқмаса, шу одатни ўзимга олмадим».

* * *

Шайх Саъдий айтади:

«Бир бой кишининг ўғлини кўрдим. Отаси қабри бошида ўтириб, бир камбағалнинг ўғли билан баҳслашарди:

— Менинг отамнинг қабри алвон нақшлар билан безатилган, кўк мармар тош қўйилган, сенинг отангнинг гўрига эса оддий ғиштлар тахланган.

Бу сўзни эшитган камбағалнинг ўғли айтди:

— Сенинг отанг оғир тошлар остидан қўзғолгунча, менинг отам жаннатга етиб боради.»

Қозоқчадан ижодкор ўқитувчи Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ таржимаси.

СОЧЛАР

Аёлларни ранжитдик қаттиқ,
Сочи узун ақли қисқа, деб.
Нечун таъна тошларин отдик,
Соч ҳам асли бебаҳо бир зеб.

Гапнинг фақат сочда эканин
Кўп аёллар дарҳол сездилар,
Тўлдирай, деб ақлнинг камин,
Сочларини шартта кесдилар.

Аёл ҳамон мунис ва танти,
Бирам дилбар, соҳиби ҳусн.
Энди эса... воажаб, энди
Йигитларнинг сочлари узун!

ТУЛКИНИНГ КАШФИЁТИ

(Масал)

Амал-тақал билан у
Дипломлик бўлиб қолди.
Маслаҳатга тоғаси —
Шерникига йўл олди.

Тоға деди: — Жиянжон,
Давом эттир ўқишни.
Олим бўлиб оларсан
Ўтказиб битта қишни.

Айиқ билан жўрамиз,
У сенга илмий раҳбар.
Асалдан бериб турсак,
Ишлар ўзи тезлашар.

...Тулки эса таваккал
Шўнғиди илмий ишга.
Айиққа келар асал,
Асқотади деб қишга.

Илмий ишнинг мавзуси:
«Балиқ нега гапирмас?»
Тайёр бўлди ҳаммаси
Уч-тўрт ой ўтар-ўтмас.

Тоғаси берди мадад,
Пучга чиқмай нияти —
Тулки, ўтгач сал муддат,
Бўлди фан кандидати.

Энди у Тулки эмас,
«Тулкибек Қашқирович!»
Тўрт китоби чиқди, бас,
Энди шартмас тиргович.

У ҳамон изланишда,
Жойи давранинг тўри.
Ниҳоят, ўтган қишда
Бўлибди фан доктори.

— Хўш, фанда не янгилик
Юз берди?! — дерсиз, балким,
Тулкибек олим бўлди,
Балиқ эса ҳамон жим!

Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Ж. Мангуберди номли мактаб ўқитувчиси.

Ўқитувчи ён дафтаридан

Мактаб формаси — ўқувчиларнинг мактабдаги тенглигини сақлайдиган асосий воситадир.

* * *

Синф раҳбарининг ўз феъли бор, аммо у ўз синфидаги ўқувчилари учун кўп феъли бўлгандагина раҳбар бўла олади.

* * *

Ўқитувчи ўқувчиси йўл қўйган хатоларга доим кечиримли бўлади, аммо ўқувчи ўқитувчиси йўл қўйган хатони бир умрга кечирмайди.

* * *

Муаллим — энг сабрли инсон. У ўз меҳнатлари самарасини бир неча йиллардан сўнг кўради.

* * *

Ўқитувчи фақат мактабда эмас, жамоа орасида, тўйда, ҳар қандай маъракада ҳам маърифатчидир.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 237-мактаб директори.

Теннис

БАЙРАМНИНГ АДОҒИ БЎЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда).

Соғлиқни сақлаш вазири ва «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бошқаруви раиси ўртасидаги ярим финал учрашувида Рўзи Ҳикматуллаев ғалаба қозонди. Бош вазир ўринбосари М. Усмонов ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р. Шоабдураҳмонов ўзаро куч синашишди. Ярим финалгача Мираброр Усмонов турнирда чемпионлик учун даъвогарлик қилаётганлардан бири, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаевни «соф» мағлубиятга учратди. Р. Шоабдураҳмонов эса чорак финалда Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш. Мирзиёевдан устун (6:2) келди. Усмонов — Шоабдураҳмонов ўртасидаги ярим финал учрашувида Шоабдураҳмонов ғалаба қозониб, финалга йўлланма олди.

Ва ниҳоят финал. Кортга Ҳикматуллаев ва Шоабдураҳмонов чиқишди. Теннис билан мунтазам шуғулланиб, профессионал теннисчиларга хос техник маҳоратнинг бир қанча усулларини эгаллаган Рўзи Ҳикматуллаев дастлабки таймларданоқ устунлик қила бошлади. У учрашувни ғалаба билан якунлаб, «Ҳавас» турнирининг чемпиони бўлди.

Финал учрашувидан сўнг «Ҳавас» турнири ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Финал босқичларининг барча саккиз қатнашчиси марказий кортга таклиф этилди. Турнир ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Теннис федерацияси президенти, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов турнир ғолиби Рўзи Ҳикматуллаевга «Ҳавас» кубогини топширди.

Турнирнинг II соврини билан Тошкент шаҳар ҳокими муовини Рустам Шоабдураҳмонов тақдирланди. Бош вазир уринбосари Мираброр Усмонов ва соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов фахрли III ўринни эгаллашди.

Шундан сўнг турнир ғолибларига журналистлар таъсис этган эсдалик совғалари тақдим этилди. Жумладан, Рустам Иноятов (республика МХХ раиси) — «Энг иродали ўйинчига» («Халқ сўзи» газетаси), Мираброр Усмонов (республика Бош вазири ўринбосари) — «Техник маҳорати учун» («Народное слово»), Шавкат Каримов (республика соғлиқни сақлаш вазири) — «Энг тажрибали ўйинчи учун» («Ўзбекистон овози»), Баҳодир Умурзоқов (ижтимоий таъминот вазири) — «Чиройли ўйини учун» («Ўзбекистон овози»), Озод Пармонов (Қашқадарё вилояти ҳокими) — «Энг шиддаткор ва маърифатпарвар ўйинчига» («Маърифат»), Шавкат Мирзиёев (Мирзо Улуғбек тумани ҳокими) — «Санъаткорона ўйини учун» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати») совринлари билан тақдирландилар.

Мазкур турнир унинг шоҳиди бўлган мухлислар қалбида узоқ вақт сақланиб қолади ва бундай байрамлар давом этаверади.

Мухбиримиз.

Суратда: «Ҳавас» кубоги совриндори Рўзи Ҳикматуллаев.

А. РИСҚИЕВ олган сурат.

Спорт

АНДИЖОННИНГ АРДОҒИ

Ҳар бир бола, шубҳасиз, футболни жону дили билан яхши кўради. Ёшликданоқ албатта машҳур футболчи бўлишни орзу қилади. Мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган кўпгина хайрли ишлар жажжиларимизнинг эзгу ниятлари ушалишига жуда кенг йўл очиб берди, десак муболаға бўлмайди. Ахир, республиканинг ҳар бир масканида тинимсиз уюштирилаётган биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари ёхуд шунчаки бўлса-да, астойдил тўп тепаётган болаларни кўриб ким ҳам қувонмайди дейсиз?..

Яқинда ана шундай мусобақа, яъни Андижон шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига қарашли футбол мактаблари ўртасидаги вилоят биринчилиги шаҳарнинг 50-ўрта мактаб, Ёшлик, Сопон ўйингоҳларида ўтказилди. Унда 1979—1980 йилларда туғилган ўсмир йигитлар уч гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашишди. Мусобақада умумкоманда ҳисоби бўйича Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли футбол мактаби биринчи ўринни эгаллади. Аммо, асосийси бу ҳам эмас. Андижонда кундан-кунга футбол ҳавасмандлари, махсус мактабларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу дегани эса, яқин йиллар ичида Андижон футболи нафақат республика, балки қардош мамлакатлар орасида ҳам ўзининг юксак нуфузига эга бўлади.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ХОТИРА СОВРИНИ

Самарқанддаги А. С. Макаренко номли педагогика билим юртида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Юнус Юсупов хотирасига бағишланган оммавий спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Билим юртига меҳнат ва спорт фахрийлари, мазкур масканда 31 йил директорлик қилган Ю. Юсуповнинг оила аъзолари ва дустлари, спорт мухлислари йиғилиб, унинг ёрқин хотирасини ёдга олдилар. Шундан сўнг 500 ва 1500 метр масофага югуриш мусобақаси бошланди.

500 метр масофага югуришда С. Ражабова биринчи, Ш. Бекназарова иккинчи ўринни эгалладилар. Ўсмирлар ўртасида 1500 метрлик масофа бўйича И. Муродов мусобақа чемпиони бўлди.

Хотира мусобақаси ғолиблари вилоят, шаҳар ва туман спорт қўмиталарининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Эшмирза МАҲМУДОВ,
махсус мухбиримиз.

Хулласи...

ЎЗ БОҒИДА ДУНЁНИНГ АКСИ

Чарлз Билли — англиялик. Дунёнинг кўп мамлакатларини кезиб чиққан. Сафар таассуротларининг натижаси — ёстиқдай-ёстиқдай альбомлари бор.

Бироқ кейинги пайтда бу суратлар Чарлзни қаноатлантирмай қўйди. У кўрган обидаларини айнан кўрмоқни хоҳлаб қолди.

Бугунги кунда унинг боғида юнонларнинг Парфенон қасрини, Хитой пагодасини, форс мачитларининг тошдан ясалган нусхаларини кўриш мумкин.

Энди у ўз боғида дунёни кезиб юрибди.

ЖОНИ ТЕМИРДАН ЭКАН

Чақмоқ урмасин! Бизда шундай ният бор. Америкалик ўрмончига, айниқса, бу ният эш бўларди. Чунки, бу кимсани чақмоқ бир эмас, икки эмас, етти марта «ялаб» ўтди.

1942 йилда биринчи марта бош бармоғининг тирноғини урган чақмоқ, кейин бир неча йиллар орасида қошига, елкасига, сочига, оёғига, қорни ва кўкрагига ўз муҳрини қолдирди. Сарлавҳани «Жони темирдан экан» деб қўйдигу, кейин ўйланиб қолдик: ахир чақмоқ темирни ҳам қуйдириб юборади-да.

ТОҒ ЎЗРА ТОҒ

Инсон ҳеч қачон тинибтинчимайди. Мана, ўттиз йилдирки, ер юзининг энг баланд нуқтаси — Эверест чўққисини забт этишга урониб ётибди. Забт этди ҳам. Бу ерда, 5 минг километрдан ошиқ баландликда альпинистлар базаси бор. Бу база атрофидаги чиқиндилар тоғи ҳам забт этгулик бўлиб қолди. Чунки, альпинистлар олиб чиққан нарсаларини овора бўлиб олиб тушиб юришмайди.

Ким билади, яқин орада Эверест чўққиси ҳам иккита бўлиб қолса ажаб эмас.

ОЁҚ ОСТИДАГИ КОМПАС

Шимолий Америка ўрмонларида компассиз ҳам адашмай, бемалол ўз йўлингизни топа олишингиз мумкин.

Йўқ, сиз ўйлаганчалик қуёшга ёхуд юлдузларга суянилмайди. Балки ерга қараб мўлжал олинади. Гап шундаки, бу ўрмонларда антиқа ўсимлик бор. Унинг барглари «шимол-жануб» йўналишида жойлашган. Унга қараб, бемалол ўзингизга керакли томонга от сурасерасиз.

ана шунақа гаплар.

МУДИРАЛАР КЕНГАШИ

Бугунги кунда мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбиянинг янгича шакл ва кўринишларига кенг эътибор берилмоқда. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 458-«Чарос» болалар боғчасида ўтказилган «Мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия жараёнини янгича кўринишда ташкил этиш» мавзуидаги кенгаш ҳам худди шу масалага бағишланди.

Кенгашда туман болалар боғчаларида болаларга чет тилларини ўргатиш, иқтисодий таълим, компьютер билан ишлаш, предметсиз ўқитиш, илгарилама таълим бериш, экологик тарбия каби ноанъанавий усулларнинг самаралари устида фикрлашилди. Шунингдек кенгашда «Соғлом авлод учун» дастурини бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар, спорт тўгараклари, болаларни миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жумладан миллий ҳунармандчиликка оид тўгараклар фаолиятини яхшилаш ҳақида ҳам тажрибалар ўртоқлашилди.

Кенгаш якунида 458-болалар боғчасининг тарбияланувчилари иқтисодий таълим, миллий урф-одатларимиз ҳамда тасвирий санъатга оид қизиқарли машғулотлари ва қўшиқ-рақслари билан меҳмонларни хушнуд этишди.

Мухбиримиз.

Соғлом авлод учун

«КАСАЛ БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ»

Суҳбатдошимиз — Маманиёз Исоқбоев Фарғона вилояти Бағдод тумани марказий шифохонасида қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди. Шифокор одамлар орасида табиий шароитда касал бўлишга ҳаққимиз йўқ эканлиги ҳақида ташвиқот-тарғибот олиб боради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

— Маманиёз ака, — аввало, бўлимингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Бўлимимиз замонавий талабга мос бинога жойлашган бўлиб, 20 нафар малакали ходимимиз бор. Туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматовнинг ташаббуси билан ҳар битта хона оталиқ ташкилотига бириктирилган. Булар улгуржи савдо базаси, қишлоқ хўжалиги техника таъминоти базаси, мебель ишлаб чиқариш фабрикаси... Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида бу усул жуда қўл келяпти. Оталиққа олган ташкилотлар хоналарни, умуман бинони вақтида таъмирлаб туришибди.

— Мутахассислигингиз бўйича туманда ягона олим шифокорсиз. Беморларни даволашда тиббиётга доир янгиликлар, қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида нима дея оласиз?

— Бизга шаҳарлардан ҳам беморлар келиб туришади. Мураккаб операцияларни ҳам бажаряпмиз. Қулоқ, томоқ, бурун касалликларини, ҳатто хавфсиз ўсмаларни ҳам даволяпмиз. Бундай нарса кейинги пайтларда эркакларда, жаг бўшлиғида учраяпти. Эркакларнинг кўпчилиги ичади, чекади. Сигарет тутунида эса саратон касалини келтириб чиқарадиган канцероген моддалар бор. Шунингдек, пластик операциялар ҳам амалга оширилаётир. Бу орқали юздаги доғлар, чандиқлар ўрни янги тери билан қопланяпти. Беморлар дарддан узил-кесил фориғ бўлишаяпти.

Одамлар орасида қулоқ оғриғи кўп учраяпти. Кўп ҳолларда, айниқса, болаларда касаллик анчагина мураккаблашганда мурожаат қилмоқдалар. Уларнинг саломатлигини тиклаш борасида зарур ёрдамни аямаяпмиз. Лозим топилса операция билан йирингнинг олди тўсилиб, бевақт ўлимнинг олди олинаётир. Сурункали йирингли гайморит найчалаш усули орқали узил-кесил тузатилмоқда.

Қулоқ оқиши тўхтатилгандан кейин барабан пардасини даволяпмиз. Ёки сунъий парда қўйяпмиз. Гайморит ҳамда қулоқ-бурунни даволашда мўмиёдан самарали фойдаланилмоқда.

Яна, ҳиқилдоқ касали кўп учраяпти. Биз буни фарингит, ларингит ва ҳоказо деб атаймиз. Сабаби — яна ўша ичиш, чекиш, аччиқ, шўр, ўта иссиқ ёки совуқ таомларни истеъмол қилиш. Баъзиларда ларингит касб касали сифатида бўлади. Бу кўпроқ ўқитувчиларда, ашулачиларда учрайди. Уларни ҳам тезда даволаяпмиз. Ҳиқилдоқ ракига учраганларни аниқлаб, онкологик шифохонага жўнатяпмиз. Мен онколог бўлмасам ҳам, баъзи бир тавсияларни айтмоқчиман. Ҳиқилдоқда саратонолди касаллиги пайдо бўлганда, оғиз қуриди, ҳиқилдоқда ёқимсиз ўзгариш сезилади ёки шу жойдан кўпроқ шилимшиқ ажралади. Кейинроқ қуюқ, қаттиқ овқатларни ютиш қийинлашиб қолади. Шуни билиш керакки, фарингит, ларингит, томоқ мускулларининг яллиғланишида ҳам юқоридаги каби ноҳушлик сезилади. Лекин унинг қандай касаллик эканлигини фақат мутахассис шифокоргина аниқлайди.

— Касалликнинг олдини олиш чоралари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўзбекистон шароитида гиёҳли ўтлар кўп ўсади, витаминга бойлиз. Шундай экан, касал бўлишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу гиёҳлардан билиб, таркибини тушуниб, фитотерапевт билан бамаслаҳат истеъмол қилиб туриш керак. Шунингдек, спорт билан мунтазам шуғулланиш, тўйимли овқатлар истеъмол қилиш лозим. Томоқни совуқ сув билан ғарғара қилиб чайилса, чиниқади. Оғизни доимо ювиш, касалланган тишларни олдириб ташлаш, қулоқни медицина пахтаси билан тозалаб туриш, чўмилганда вазилинли пахта тиқиб олиш керак.

Карам ва саримсоқ пиёз рак касаллигининг олдини олади ва ҳатто уни бартараф этиши ҳам мумкин.

Демак, касалнинг хавфсизи йўқ. Арзимаган қулоқ оғриғи, йирингли отит, гайморит, фарингит, панисинусит сингари кичкина яранинг олди олинмаса, сепсис, битмайдиган оқма, мия касаллиги каби хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

— Эшитишимизча, халқ табобатидан фойдаланар эксанси, беморнинг томир уришидан касалини билиб оларканси.

— Тўғри, томир уришида аломатлар кўп. Фақат уларни нозик ҳис билан илғаб олиш керак. Аввал беморларнинг асабларини тинчлантириб, бир оз гипноз сеанси ўтказаман. Чунки асаби тинчланган беморга дорилар яхши таъсир этиб, тезда соғая бошлайди. Доривор ўт-ўланлардан амалиётда унумли фойдаланяпман. Шу ўтлар туфайли сурункали тензиллитнинг операциядан кейинги асоратлари мутлақо йўқотиляпти.

Биз амалиётда янги услуб— кирёхирургия деб аталадиган бурун ва томоқни музлатиб даволашдан фойдаланяпмиз. Шунингдек, жароҳлик ультратовуш аппарати орқали сурункали чучкуришни тўхтатяпмиз.

— Суҳбатимиз сўнгида, анъанавий савол: мавжуд муаммолар ҳамда режаларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Туманимиз миқёсида оладиган бўлсак, тиббиёт ходимларининг ойлик маошларини ошириш ва вақтида бериб бориш керак. Шунингдек, бизга халат етишмаяпти. Булар вақти билан ҳал бўлади, деб ўйлайман.

Келажакдаги режамиз дунёдаги илғор шифохоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш, тажриба алмашиш ва чет элга бориб малака ошириш.

Отит ва сурункали тензиллит кўп учрайди. Уларни энг қулай усул — лимфотерапия усули билан даволамоқчимиз. Ҳозир илмий тайёргарлигимиз старли.

Амалиётда синовдан ўтган услублардан самарали фойдаланяпмиз. Бу соҳада Фарғона вилояти шифохонаси отолорингология бўлими мудири Ўринбой Баҳромов, Андижон клиник касалхонаси кафедра мудири Акрам Алимов, Тошкентдаги устоз профессорлардан Мўминов, Миразизов ҳамда Хўжаевлар катта ёрдам беришяпти.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

СУРХОН ЭЛЛАРИДА ҒАЛАБА ГАШТИ

Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси тасарруфидаги муассасаларда Ғалаба куни муносабати билан қатор тадбирлар уюштирилди. Вилоят кутубхоналарида «Қаҳрамон халқ байрами» кенгайтирилган кўргазмаси, «Оталарнинг жасорати», «Ватан учун жанг қилганлар» каби мавзуларда китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Мазкур тадбирда Термиз педагогика билим юрти талабалари ҳамда шаҳардаги 4-ўрта мактаб жамоаси Ғалабани тараннум этувчи оҳангдор шеърлари, дилрабо қўшиқлари билан иштирок этиб, кечанинг янада файзли ўтишига сабабчи бўлдилар.

Г. МУСАЕВА.

САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ

Халқимиз азал-азалдан санъат шайдоси. Пойтахтимиздаги 230-мактабда ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблида миллий мусиқадан дастлабки билим бериш, қўшиқ ўргатиш ва шу орқали, қадимий ва навқирон маданиятимизни ёшлар онгига сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Ансамблга республика халқ таълими аълочиси Шуҳрат Усмонов раҳбарлик қилади. Ансамбль жамоаси туманда ҳар йили ўтказиладиган «Илҳом чашмалари» кўрик-танловида фаол қатнашиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келишмоқда.

Қ. ТЎЛЕБОЕВ.

Фидойилар

УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Умрни оқар сувга қиёслашади. Оқар сув сўлим боғлар, чорбоғу гулзорлар оралаб ором бағишлайди, кўйлайди, жўшади, борлиқни яшнатади. Умрлар бўладики... шоир айтганидек уларнинг ҳаётлигида эъзозлаш, қадр қимматига етиш лозим.

Пойтахтнинг «Мевазор» маҳалласида ёшу қари Ш. Ғуломов номидаги 104-мактаб директори Мастура опа Убайдуллаевани ҳурматлаб, ардоқлашади. Мастура опанинг 30 йиллик умри шу маҳалла фарзандларини камол топтиришга бағишланди. Опа ўтгиз йилки, кўчама-кўча юриб, отанг яхши, онанг яхши, деб не-не ўйинқароқ болаларни йўлга солади.

Мактаб директорлигига тайинлангач эса фаолиятини мактабнинг янги биносини қуришдан бошлади.

Турғунлик йилларида идорама-идора, омборма-омбор юриб, эски бино ёнига муҳташам бинолар қурдирди, замонавий жиҳозлар, техника воситалари, зарур ашёлар билан таъминлашга эришди. Дарслар 1 сменада ташкил этилди.

Эндиликда, Ш. Ғуломов номли 114-мактаб Чилонзор туманидагина эмас, шаҳар миқёсида ҳам намунали масканга айланди. Шаҳарда биринчи бўлиб гимназия мактаби мақомига эга бўлди ҳамда иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги синфлар ташкил этилди, ўқувчилар математика, она тили ва адабиёт, инглиз тилидан чуқур билим оладиган бўлдилар. Билим сифатини яхшилаш, ёш авлодда миллий онг ва миллий ғурур тушунчаларини шакллантириш ўқитувчидан чинакам билим, машаққатли меҳнат талаб қилади. Зеро юртбошимиз: «Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган, буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим», — деб таъкидлаганларида ўз касбининг фидойилари — заҳматкаш ўқитувчилар зиммасидаги шарафли масъулиятни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

Мастура опа ўз атрофига ана шундай фидойи, ижодкор ўқитувчилар гуруҳини жамлай олди. Уларнинг сайъ-ҳаракати билан ҳар бир сабоқ ўзаро баҳс-мунозара, қизғин тортишувлар асосида ўтадиган бўлди. Энг муҳими ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишлари, оғзаки нутқ малакаларининг ўсишига эришилди.

«Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги» концепциясининг юзага келиши ўқувчилар тарбияси билан боғлиқ муаммолар ечимининг топилишига туртки бўлди. Натижада, Мастура опа ҳам «Мевазор» маҳалласи аҳли билан ҳамкорликни янада кучайтирди. «Отанг ҳам — маҳалла, онанг ҳам — маҳалла» шиорига амал қилиниб мактаб ҳаётида юз бераётган ҳар бир воқеа биргаликда таҳлил этиладиган бўлди. Ҳамкорликда миллий байрамларни нишонланиши, турли учрашувлар, адабий кечалар ўтказилиши, ободончилик ишларини ташкил этилиши, тарбияси оғир ўқувчиларнинг ота-оналари билан мунтазам суҳбатлар уюштирилиши икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда. «Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги» том маънода таълим-тарбия дастурига айланди.

Муборак 50 ёшни қаршилаган фидойи инсон Мастура опанинг кўнглида ниятлари янада улуғ. Бу ниятларни амалга ошишида у тўплаган билим, тажриба, маҳорат, қолаверса, севикли, аҳил мактаб жамоаси, маҳалла аҳли қўшқанот бўлиши шубҳасиз.

Ўлмас ҚАҲҲОРОВА,
ўқитувчи.

СУРАТДА: Шогирдлар ва ўқувчилар устозини 50 ёши билан муборакбод этмоқдалар.

А. РИСҚИЕВ олган сурат.

Қутлов

МЕҲРИБОН ВА ТАДБИРКОР ИНСОН

Урол Давроновни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи маориф аҳли яхши танийди. Урол ака ўз ишига садоқати, меҳрибонлиги ва тадбиркорлиги туфайли эл назарига тушган инсон, чин муаллимдир.

«Етимнинг бошини силаган одам жаннати бўлади», дейишади. Урол ака ҳам ўксик қалбли болаларга меҳр кўргизиб, уларнинг хушнудлиги йўлида заҳмат чекадиган мураббийдир. Бу гапнинг чинлигини тумандаги 125-сонли махсус мактаб-интернатда у киши бошчилигида амалга оширилган ишлар тимсолида яққол кўриш мумкин.

Махсус мактабимизда 100 ўринли ошхона, дурадгорлик уқув устахонаси, косибчилик, қўл меҳнати, тикиш-бичиш, шифокор ва муолажа хоналари ташкил қилиниб, фаол иш олиб борилаётгани ибратли ишларимиздандир.

Бу йил «Халқ маорифи аълочиси» устоз Урол Давронов ўзининг 60 ёшини қаршиламоқда. Шунингдек, у кишининг педагогик фаолиятини бошлаганларига 40 йил тулди. Барча шогирдлари номидан устозни қизғин муборакбод этамиз.

Мўътабар АБДАЛОВА,
интернат ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти вакант лавозимларига танлов эълон қилади.

1. Илмий котиб (фан номзоди)
2. Лаборатория мудири (фан доктори ёки фан номзоди)
3. Катта илмий ходим
4. Илмий ходим

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000 Тошкент шаҳри Пушкин кўчаси 7-уй.
Тел.: 36-23-27.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «Таълим-таъминот»нинг республика ўқув таъминоти корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва 173-мактаб жамоаси шу мактаб директори Шокиржон МИРАҲМЕДОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, 241-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб собиқ директори Салоҳиддин ҲОШИМОВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром ИСКАНДАР, Алишер НАЗАР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6